“O’ZSUVLOYIHA”
акциядорлик жамияти



“O’ZSUVLOYIHA” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚА МАЪЛУМОТ

Лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш учун 1938 йилда Тошкент, Самарқанд ва Андижонда лойиҳа идоралари тузилган. Ушбу лойиҳа идоралари 1950 йилда «Узводпроиз» терестига, 1951 йилда «Средазгипроводхлопок» институтига бўйсунувчи филиал сифатида бирлаштирилган. 1954 йилда «Средазгипроводхлопок» Ўзбекистон филиали «Узгипроводхоз» лойиҳа-қидирув институти сифатида қайта ташкил этилди.

“O’ZSUVLOYIHA” Акциядорлик жамияти

Кичик ҳажмли ишларни амалга оширувчи лойиҳа-қидирув идораси бир неча қайта ташкил этилишлар натижасида, мелиоратив ва сув хўжалиги объектларини лойиҳалаштирувчи, сув хўжалиги объектларини лойиҳалаштиришда лойиҳа-смета ҳужжатларига бўлган эҳтиёжларни таъминловчи кучли институтга айланди.

1993-йилда «Узгипроводхоз» «Ўздавсувлойиҳа» институти деб қайта номланди ва Ўзбекистон ҳудудларида сув хўжалиги ва мелиорация қурилишларида бош лойиҳалаш институти сифатида иш юрита бошлади.

“O’ZSUVLOYIHA” ОАЖ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қуллаб-қувватдаш Давлат қумитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2004 йил 12 июлдаги 282 пп-р-сонли фармойишига асосан “УЗДАВСУВЛОЙИҲА” лойиҳа-қидирув, илмий-тадқиқот институтини давлат тасарруфидан чиқариш йули билан ташкил этилган.




Акциядорлик жамияти O'ZSUVLOYIHA

Жамият Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур тумани тадбиркорлик субъектларини Давлат руйхатдан ўтказиш Инспекцияси томонидан 2004 йил 7 октябрда очиқ акциядорлик жамияти шаклида Я-09-1935-сонли реестр тартиби рақами билан давлат рўйҳатидан ўтказилган.


Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370 “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрига муофиқ жамиятнинг номи “O’ZSUVLOYIHA” ОАЖдан “O’ZSUVLOYIHA” АЖга ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 мартдаги ПҚ-104 “Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг устав капиталида давлат улушини ошириш ҳисобига унга “Ўзсувлойиҳа” АЖ нинг давлатга тегишли акциялар пакетини ўзказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилди.



"O'ZSUVLOYIHA" АЖ акциядорларининг 2022 йил 14 мартдаги навбатдан ташқари Умумий йиғилиши қарорига асосан (рақамсиз баённома).
Йиғилиш раиси

Мухиддинов У.Н.



Штат бўйича умумий ходимлари сони – 183 бирлик.
шундан:
маъмурий бошқарув ходимлари – 22 бирлик.
ишлаб чиқариш бўлимлари – 125 бирлик.
ёрдамчи бўлимлар – 36 бирлик.

"O'ZSUVLOYIHA" Акциядорлик жамияти

МАҲАЛЛИЙ ТАЖРИБА

2011 йилда институтнинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганига 73 йил тўлди. Институт лойиҳалари бўйича тахминан 1 млн гектар янги ерлар, шу жумладан 150 минг гектаргача майдонли бир неча йирик массивлар ўзлаштирилди. Институт собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб эски суғориладиган ерларнинг қайта тикланишини лойиҳалаштириш ишларини бошлади. Тўғон баландлиги 190 м.гача, умумий сиғими 2 млрд.м3дан кўпроқ 50 дан ортиқ сув ва сел омборлари лойиҳалаштирилди. Сув кўтарилиш баландлиги 40-60 м ва белгиланган қуввати 125 минг квт.ни ташкил қиладиган 150 м3/сониягача сарфланишли насос станциялари, 300 м3/сониягача сарфланишли каналлар, Бухоро вилоятидаги Аму-Бухоро машиналаштирилган канали ирригация тизими ва Сурхондарё вилоятидаги Аму-Занг канали тизими каби йирик насос станциялари тизмаси (каскади) қурилди.

Ҳар бири 50-100 км.дан ортиқ узунликдаги йирик магистрал коллекторлари ва ортиқча сув чиқариб юбориладиган каналлар лойиҳалари тузилди ва қурилди. Институт лойиҳалари бўйича 260 минг гектар майдонда вертикал дренажли 2000 тадан ортиқ қудуқ қурилди. Бир неча йирик сувни ҳавзалараро ташлаш қурилмалари амалга оширилди, бу 1,5 млн гектардан ортиқ майдонда ернинг сув билан таъминланиш даражасини оширди.

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Қуйидаги лойиҳалар тузилган:

1. Сурия Араб Республикасининг “Мескен” массивида 21 минг гектар майдонни суғориш ва ўзлаштириш (Насос станциялари ва Давлат хўжаликлари бўйича техник ёрдам) лойиҳалари.
2. Гвинея Республикасининг Боффа маъмурий бўлинмаси (префектураси) “Моншон” районидаги 2.4 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалиги корхонаси қурилиши лойиҳаси.
3. Афғонистон Республикасининг Балх воҳаси ерларини Амударёдан машиналаштирилган сув узатилиши орқали суғориш техник-иқтисодий асослари.
4. Афғонистон Республикасининг Хош-Тепа ҳудудида канал ва насос станцияси қурилиши лойиҳаси. Насос станцияси унумдорлиги – H=25 м шароитда 100 м3/сония, машиналаштирилган канал – 119.62 км.
5. Афғонистон Республикасида Балх дарёсининг Чашма ва Шафо ирмоқларида тўғон ва сув омбори қурилиши лойиҳаси. 2002 йилда Афғонистон Республикаси билан алоқалар тикланди, сув хўжалиги объектларини тиклаш ва қуриш бўйича янги битимлар тузилиши мумкин.
6. Лойиҳа: Эфиопиядаги Аваш дарёсининг қуйи водийсида 60.0 минг гектар майдонда пахта етиштирилишини босқичма-босқич ривожлантириш таклифи ва ҳисоб-китоблари (1-босқич).
7. Институт мутахассислари Мозамбик ва Кубада ҳам сув хўжалиги қурилиши бўйича маслаҳатлар беришган. Ҳозирги вақтда институтнинг бир гуруҳ мутахассислари Сурия Араб Республикасида сув хўжалигини лойиҳалаш турли йўналишлари бўйича иш олиб бормоқдалар.

Рассах (10 минг гектар) ва Қуйи Ефрат (20 минг гектар) массивларидаги ерларни мажмуи ўзлаштириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилиши амалга оширилмоқда.

O'ZSUVLOYIHA
Акциядорлик жамияти

Жамиятнинг ходимлари ҳақида МАЪЛУМОТ


Жамиятнинг ташкилий тузилмаси бўйича ходимлар сони 172 кишини ташкил қилади.
Бугунги кунда шартнома асосида 114 та ходим фаолият юритади.
Улардан:
Маъмурий бошқарув органи —13 киши;
Ишлаб чиқариш ходимлари —73 киши;
Ёрдамчи бўлимлар ходимлари —28 киши.
Бундан ташқари 11 киши ўриндошлик бўйича фаолият юрутади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳозирда жамиятда 47 та вакант бўш иш жой мавжуд.

"O'ZSUVLOYIHA" Акциядорлик жамияти

Жамиятнинг 2020-2023 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар (минг. сўм.)с										
Мақолалар номи	2020 йил			2021 йил			2022 йнл			2023 йнл
	Бизнес-режа	Факт	%	Бизнес-режа	Факт	%	Бизнес-режа	Факт	%	Бизнес-режа (Тасдикланган)
Ишлар ва хизматларни сотишдан тушган даромад	**12 000 000**	**15 182 671**	**126,5**	**14 000 000**	**14 600 131**	**104,29**	**14 700 000**	**10 823 929**	**73,63**	**15 100 000**
Субпудратчилар томонидан бажарилган ишлар	1 500 000	1 171 141	78,08	1 500 000	886 832	59,12	1 400 000	1 705 391	121,81	2 050 000
Ўз кучи билан даромад	10 500 000	14 011 530	133,4	12 500 000	13 713 299	109,71	13 300 000	9 118 538	68,56	13 050 000
Иш хаки-жами	**6 000 000**	**8 208 685**	**136,81**	**6 700 000**	**9 299 156**	**138,79**	**7 200 000**	**6 009 913**	**83,47**	**7 350 000**
Ходимларнинг ўртача сони жами	183	178	97,27	183	162	88,52	183	143	78,14	183
Ойига 1 киши бошига тушум	**4 781**	**6 560**	**137,21**	**5 692**	**7 054**	**123,93**	**6 056**	**5 314**	**87,75**	**5 943**
Ойига 1 киши учун иш хаки	**2 732**	**3 843**	**140,67**	**2 596**	**4 784**	**184,28**	**3 279**	**3 502**	**106,80**	**3 347**
Харажатлар-жами	11 143 824	13 084 813	117,42	12 698 000	14 027 311	110,47	13 274 000	10 732 467	80,85	13 767 000
I. Ишлаб чикарилган махсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чикариш таннархи	7 925 000	9 839 653	124,2	9 112 000	10 548 043	115,76	9 458 000	8 048 048	85,09	10 052 000
2. Давр харажатлари-жами	3 218 824	3 245 160	100,9	3 586 000	3 479 268	97,02	3 816 000	2 684 419	70,35	3 715 000
2.1. Маъмурий харажатлар	2 080 000	2 492 567	119,8	2 342 000	2 621 484	111,93	2 516 000	1 830 682	72,76	2 325 000
2.2. Бошка операцион хизматлар	1 138 824	752 593	66,08	1 244 000	857 784	68,95	1 300 000	853 737	65,67	1 390 000
Соф фойда	**924 525**	**2 361 390**	**255,4**	**1 193 400**	**1 396 476**	**117,02**	**1 322 600**	**568 054**	**42,95**	**1 354 050**
Сотишнинг рентабеллик кўрсатгичи %	**7,70**	**15,55**		**8,52**	**9,56**		**9,00**	**5,25**		**8,97**

"O'ZSUVLOYIHA" Акциядорлик жамияти

ЖАМИЯТНИНГ 2018-2022 ЙИЛЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ГРАФИГИ



"O'ZSUVLOYIHA" Акциядорлик жамияти

Бизнинг хизматлар

Сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш:

Қуйидаги йўналишлар бўйича техник-иқтисодий асосларни, техник-иқтисодий ҳисоб - китобларни, суғориш ва дренаж тизимини ривожлантириш схемаларини, лойиҳаларни, ишчи лойиҳаларни, асосий ҳужжатларни ишлаб чиқиш:

- янги ерларни суғориш;
- эски суғориладиган ерларни қайта тиклаш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- магистрал ва хўжаликлараро каналлар, коллекторлар қурилиши ва тикланиши;
- сув омборлари ва сел омборлари қурилиши;
- горизонтал ва вертикал дренаж;
- томчилатиб суғориш;
- суғориш техникасини такомиллаштириш;
- дарёларда оқимни бошқариш чора-тадбирлари;
- қирғоқни ҳимоялаш иншоотлари;
- селга қарши ҳимоя;
- кўчкилардан ҳимоя;
- насос станциялари;
- кичик ГЭС;
- тўғонлар;
- гидроузеллар ва бошқа муҳандислик иншоотлари;
- ерларни капитал режалаштириш;
- атроф-муҳитни муҳофазалаш бўйича чора-тадбирлар;
- сув хўжалиги иншоотлари учун металл конструкциялар;
- манзарали сув ҳавзаларини лойиҳалаш;
- объектларни ободонлаштириш;
- стадионлар учун футбол майдонлари.



Адрес

ул. Лабзак, 1

Показать входы | Маршрут

Контакты

+998 71 241 48 30

uzsuvloyiha.uz

Время работы

График	
Понедельник	08:00 – 12:00, 13:00 – 17:00
Вторник	08:00 – 12:00, 13:00 – 17:00
Среда	08:00 – 12:00, 13:00 – 17:00
Четверг	08:00 – 12:00, 13:00 – 17:00
Пятница	08:00 – 12:00, 13:00 – 17:00
Суббота	Выходной
Воскресенье	Выходной

